Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnologik tarmoqlardagi o‘rni” mavzus...

materiallar to‘plami

Корхонада моддий-техника таъминотини бошкаришда логистика.

И.М.Сирожиддинова-Андижон машинасозлик институти,
“Гуманитар фанлар” кафедраси мудири, п.ф.н, доцент
О.У.Юлчибаев- Андижон машинасозлик институти
1-босқич магистри

Аннотация: Логистиканинг тарихий жихати. Логистиканинг пайдо бўлиши ва ёндашувини қўллаш доираси.

Калит сўзлар: Омбор, хисоблаш, тизим, таъминот.

Моддий-техника таъминотини ташкил қилиш жараёнида логистика таъминотчиларни танлаш, хомашё материалларини етказиб бериш масалаларини куриб чиқади. Моддий ресурсларни етказиб бериш уч вариантда бўлиши мумкин: * шахсий ишлаб чиқаришни хисобига;

* мавжуд таъминотчилар хисобига;

* янги таъминотчиларни жалб қилиш хисобига.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида ривожланиш ва асосан кичиклари хисобига янги таъминотчиларни жалб қилиш анъанаси кузатилади, бу материалларнинг катта бўлмаган бир турини олиш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини таъминлайди ва керак бўлган холда бозор талабларига мувофиқ янги махсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни тезлатишга имкон беради. Шунинг билан бу босқичда логистиканинг мақсади асосий ишлаб чиқаришни белгиланган вакт тартибида энг кам харажатлар билан керакли моддий ресурслар билан таъминлашни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат килишдан иборат. Айникса, захираларни бошқаришда логистиканинг ахамияти катта. Захираларни транспорт, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги буфер (оралиқ) вазифасини бажаради. Хозирги шароитда захиралар миқдори тез узгараётган талаб ва корхона ишининг бир маромдалигини таъминлаш учун мувофик бўлиши керак. Логистик тизимларда захираларни сақлаш билан боглиқ муомала вакти ва харажатларини қисқартиришга алохида эътибор берилади, булар логистик харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилиш, ортиш-тушириш воситаларини халталарга жойлаштириш воситаларини қўллаш ва сақлаш логистик тизимнинг мухим сохаси бўлади. Хорижда Канбан, ОПТ, МРП, МРП-2 номини олгач, логистикага асосланган «аниқ муддатда» етказиб бериш тизими таъминотини ташкил қилишнинг энг ёйилган тизимидир. Канбан тизими Япония корхоналарида кенг-қўлланилади. Бу тизим сериялаб ишлаб чикаришни куп предметли ишлаб чикаришни кўзда тутади, унда турли моделлар буюмлари аралашиб кетади. Майдончаларнинг таъминоти кичик тўплар билан амалга оширилади, бу мохияти бўйича донабайга айланади. Ишлаб чиқариш даврининг барча босқичларида керакли қисм, деталь кейинги ишлаб чиқариш операцияси жойига аниқ муддатида, яъни бу керак бўлган вақтда, орқали меъёрдан ортиқча захиралар тупламасидан етказиб берилади. Канбан тизими етказиб берувчилар ва барча моддий-техника таъминоти ташкилотларининг ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартиради. Бундай тизим захиралар хажми ва етказиб беришлар ўртасидаги оралиқларни кескин қисқаришига олиб келади. Масалан, «Тойота»

Published: 10.11.2023

Cite this article: И.М.Сирожиддинова, О.У.Юлчибаев (2023). Корхонада моддий-техника таъминотини бошкаришда логистика. Emro Science and Education, 1(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/397

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

фирмаси бўйича омборхона захиралари миқдори бир соатлик ишга мулжалланган. Канбан тизими моддий режалаштириш ва ресурсларни хисобга олишнинг тегишли механизмини талаб қилади, чунки таъминотни етказиб бериш сифати ва миқдорини башорат қилиб бахолашдаги хисоб-китобларда хатоларга йул қуйилмайди. Канбан тизимидан фойдаланувчи Япон фирмалари моддий ресурсларни фақат ишончли таъминотчилардан харид қилишга харакат қиладилар ва уларни ўз талабларига қарам қилиб қўядилар. АҚШда ривожланган ОПТ (ишлаб чиқариш техналогиясини мувофиқлаштириш) тизими «чўзилган» тизимга киради. Бу тизимнинг асосий тамойили ишлаб чиқаришда «тор» жойларни ёки камёб ресурсларни аниқлаш. Мисол учун хомашё ва материаллар, машиналар, ускуналар, техналогик жараёнлар ва ходимларнинг айрим турлари камёб ресурслар бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш тизимининг ривожланиш сурати камёб ресурслардан самарали фойдаланишга боғлик. ОПТ тизимида ишлаб чиқаришнинг бир кунга, хафтага ва х.к. жадвалини шакллантириш амалга оширилади, истеъмолчилар томонидан буюрилган махсулотларни ортиб жунатишнинг назорат муқобил ресурсларни қидириб топиш, керакли материаллар йўқ булганда уларни тўлиқ холда алмаштириш бўйича тавсиялар бериш масалалари хал қилинади. Энг маъқул жадвални шакллантиришда қуйдагилар хисобга олинади: * ишлаб чиқаришнинг ресурларга бўлган эхтиёжни қаноатлантириш даражаси; * ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги; * тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб килинган воситалар; * жадвалнинг эпчиллиги, яъни ускуналарни авария туфайли тухтаб қолганда ва моддий ресурсларни тулиқ етказиб берилмаганда уни амалга ошириш имконияти. 45 ОПТ тизимида бу вазифаларни амалга ошириш учун керакли ахборотлар: «ишлаб чиқариш жадвали», «хомашё ва материалларга эхтиёж» ва х.к.ларни олишни таъминловчи модул тизимининг дастурий математик таъминотидан фойдаланилади. ОПТ тизимида фойдаланувчи фирмалар тажрибаси курсатадики, асосий жамғармалар ўзгармаганда у тайёр махсулот ишлаб чиқаришни 10% га оширишга, ишлаб чиқариш захираларини 20% дан кўпроқ камайтиришга имкон беради. АКШда яна «итарувчи» туридаги тизим - МРП (материалларга эхтиёжни режалаштириш) дан кенг фойдаланилади. Бу тизим хаммадан аввал: бозор навларининг башоратига мувофиқ белгиланган миқдордаги тайёр махсулотларни ишлаб чиқариш учун керакли материаллар рўйхатини шакллантиришни: таъминотчиларга буюмларни шакллантириш, жорий ва сугурта захираларини шакллантиришни кўзда тутади. МРП - 2 тизимни МРП тизимининг иккинчи буғини бўлади, вазифалар турларини (бунга технологик жараёнларни бошқариш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштириш вазифалари киради) эпчиллиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради. Материалларга эхтиёжни аниқлаш қуйдаги вазифаларни хал қилишни кўзда тутади: материалларга эхтиёжни прогноз илиш, захираларни бошқариш, харидларни бошқариш ва х.к. прогноз қилиш вазифаларини хал қилишда устувор бўлмаган буюртмалар бўйича хомашё ва материалларга прогнозни ишлаб чиқиш, буюртмаларни бажариш мумкин бўлган муддатлар ва унинг буюртмачиларига хизмат кўрсатиш мазмуни ва сифатига харажатларни

хисобга олиш билан сугурта захиралари даражасининг тахлили, хомашё ва материалларнинг хар бир турибуйича прогноз килиш стратегиясини танлаш максадида хужалик вазиятларининг ретроспектив тахлили. Асосий логистик кўрсаткичларга қуйдагилар киради: * захираларнинг айланиш тезлиги, у товар муомаласи миқдорининг омборхона захиралари хажмига муносабати сифатида аниқланади; * товар муомаласи бирлигига тугри келадиган моддий техника таъминотига умумий харажатлар; * кўрсаткичга муддатида қаноатлантирилган эхтиёж хажмини умумий хажмига хусусий йўл билан таксимлаш сифатида хисоблаб чиқилган таъминотчининг тайёргарлик даражаси; * умумий харажатлардаги логистик харажатлар (% да) * алохида омборлар учун моддий ресурслар муомалаларининг тезлиги (кунларда); * ташилга юкларнинг тонна / километрига харажатлар; * омборхона ва транспорт воситалари саройининг харажатлари; * захираларни сақлаш билан боғли хавф-хатар даражаси. Шундай қилиб, корхонада бозорга йўналтирилган логистик тизимни яратиш бозор импульсларга тез ва эпчиллик билан жавоб бериш имкон беради. Бундай тизимининг кириш ва чиқиш прогнознинг эмас, балки талабнинг афзаллигибилан белгиланади, бундай тизимдан чикиш «аник муддатда» принципи буйича ташкил килиниши керак. Логистик тизим яна бир жудаям мухим талаб-эпчилликка жавоб бериш керак. Логистик тизимни эпчиллиги корхонада режалаштириш ва техник хал қилиш бозор холатининг ўзгариши натижасида махсулот технологияси ва навларининг ўзгаришига эпчиллик билан жавоб бериш имкониятини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Залманова М.Е. Закупочная и распределительная логистика. Учебное пособие. /Саратов, 1992.

2. Залманова М.Е. Логистика:Учебное пособие.-Саратов. СГТУ,1995. – 166с.

3. Промыслов Б.Д. Жученко И.А. Логистические основы управления материальными и денежными потоками: проблемы: поиски, решения. -М: 1994.

4. Гуломов С.С ва Иктисодий информатика, 1999 йил.

5. Родников А.Н. Логистика:Терминологический словарь.-М.: Экономика,1995.-251с.

6. Логистика: Учебник /Под ред. Б.А.Аникина:2-ое изд., перераб. И доп. – М.ИНФРАМ,2001.-352с.-(Серия “Высшая школа”) (ISBN 5-16-000536-6) (Тираж- 3000экз.)

7. Ballou R.H. Basic Business Logistics. - L. 1987. 438p.

8. Bowersox D. J., Closs D.J. Logistical Management. – N.Y.,1996.-730 p. 18. Мухиддинов Д.М. Логистика. Укув кулланма.- ТДИУ,1998.- 61 б.

9.Mahammadovna, S. I. (2021). Needs and factors for developing professional and creative abilities of students of higher educational institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, *25*(6), 2200-2209.
10 Maxammadovna S. I. O'zbekistonda inson huquqlarini ta'minlash: Ijtimoiy xizmatlar agentligi misolida //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2023.
11 Mahammadovna, S. I. (2023). Features of Cluster Design in Modern Paradigms of Education. *Telematique*, *22*(01), 348-355.
12 Насиров, И. З., & Сирожиддинова, И. М. (2023). «Бузуқ телефон» педагогик технологияси асосида машғулотларни олиб бориш. *pedagog*, *6*(2), 291-298.
13 Сирожиддинова, И. (2022). Методика смешанной отборки при комплексном проектировании профессиональной подготовки будущих инженеров. *Общество и инновации*, *3*(7/S), 87-92.